



ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ
11 ФЕВРАЛДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 38 (8278).

21 февраль
сешанба
1984 йил

Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти
КПСС Марказий Комитети
1984 йил февраль Пленуми
материалларини тайёрлаб,
босиб чиқарди. Ўзбек тилида
чоп этилган китобчада Пленум
тўғрисидаги маълумотлар
билдирилди. КПСС Марказий
Комитети Бош секретари
Ўртоқ К. У. Черненконинг
Пленумда сўзлаган нутқи,
КПСС Марказий Комитети
Сийёсий бюросининг аъзоси,

СССР Министрлар Совети
Раиси Ўртоқ Н. А. Тихонов
ва КПСС Марказий Комитети
Сийёсий бюросининг аъзоси,
КПСС Марказий Комитети
секретари М. С. Горбачев
нутқлари бор. Константин
Устинович Черненконинг
таржимаси ҳоли ҳам
китобчага киритилган.
Китобча кўп нусхада нашр
этилган.

(ЎзТАГ).

БАТАН МУКОФОТИ

Химия фанини ривожлантириш, малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш йил туғилиши муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Карим Соликовнинг Ахмедовия Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланди.

(ТАСС).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1984 йил 20 февраль кунини Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий комитетининг XIV пленуми бўлди.

«КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль Пленумининг якунлари ва республика партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ К. У. Черненко нутқида баён этилган қоида ва ҳулосалардан келиб чиқадиган вазифалари» тўғрисида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети биринчи секретари Ўртоқ И. Б. Усмоновнинг маълумотлари билан.

А. К. Каримов, Самарқанд «Кинап» заводининг пайвандчиси А. И. Кузнецова, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари С. М. Мамарасулов, Тахтакўпир районидagi «Совет Ўзбекистони» совхозининг директори З. Носиров, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдулов, Р. Р. Шредер номидаги бодорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб

чиқариш бирлашмасининг бош директори М. М. Мирзаев, Ўзбекистон ЛКСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов ўртоқлар қатнашди.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилди.

Шу билан Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XIV ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

«КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1984 ЙИЛ ФЕВРАЛЬ ПЛЕНУМИНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ К. У. ЧЕРНЕНКО НУТҚИДА БАЁН ЭТИЛГАН ҚОИДА ВА ХУЛОСАЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ» ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил февраль Пленуми партиянинг мезонини янгилаш, унинг ҳалқ билан муносабатини янада яхшилаш, партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ К. У. Черненко нутқида баён этилган қоида ва ҳулосалардан келиб чиқадиган вазифалари» тўғрисида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети биринчи секретари Ўртоқ И. Б. Усмоновнинг маълумотлари билан.

Барча совет кишилари сингари Ўзбекистон коммунистлари, меҳнаткашлари ҳам КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини яхшилай билган қўллаб-қувватламоқдалар. Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби — Ўртоқ Константин Устинович Черненко КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб бир овоздан сайлаш тўғрисидаги Пленум қарорини астойдил маъқуллаб кутиб олдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ К. У. Черненко нутқида Совет жамияти турмушида коммунистлар партиясининг раҳбарлик роли таърифлаб берилган, социал-интисодий ривожланиш планларини муваффақиятли равишда амалга ошириш юзасидан амалий ишларнинг аниқ программаси баён этилган, ташкилотчилик ва идеологик ишнинг янада такомиллаштиришга, ҳалқ ҳўжалигини бошқаришни яхшилашга, уюшқонлик ва интизомни мустаҳкамлашга қаратилган принципиал муҳим қоидалар айтилган.

Пленум «КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль Пленумининг якун-

лари ва республика партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ К. У. Черненко нутқида баён этилган қоида ва ҳулосалардан келиб чиқадиган вазифалари» тўғрисида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети биринчи секретари Ўртоқ И. Б. Усмоновнинг маълумотлари билан.

1. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ К. У. Черненко нутқида баён этилган қоида ва ҳулосалар раҳбарлик ва ижро этиш учун қабул қилинсин.

Область, шаҳар, район партия комитетлари, совет, ҳўжалик органлари, жамоат ташкилотлари куч-гайратларини КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь ва 1984 йил февраль Пленумларининг принципиал йўл-йўриқларини ижро этиш билан рўйбга чиқаришга қаратилсин. Ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмалари ва тавсиялари партия ташкилотлари, ҳалқ депутатлари Советлари, касабасоюзлари ва комсомол, ҳалқ контроли, барча ҳўжалик органларининг бутун фаолияти учун асос қилиб олинсин.

Партиявий раҳбарлик услуби сабот билан яхшилансин, давлат аппарати иши такомиллаштирилсин. Сийёсий раҳбарлик органлари сифатида партия комитетининг роли ва аҳамияти оширилсин, партия комитетларининг функциялари ҳамда давлат ва ҳўжалик органларининг вазифалари аниқроқ чегаралаб қўйилсин, уларнинг ишида такрорлашга йўл қўйилмасин.

Партия интизомини, давлат, меҳнат интизомини оширишга, социалистик қўнунчилик ва тартибни мустаҳкамлашга изчиллик билан эришилсин.

2. Ишлаб чиқариш ҳўжмини ўстириш юзасидан йил бошида олинган сўр'атни сақлаб қолиш, ижобий тенденцияларни актив ривожлантириш, бу тенденцияларга барқарор тўс бағишлаш — партия, совет, ҳўжалик органларининг энг муҳим вазифаси, деб ҳисоблансин. Ишлаб чиқаришнинг интенсивлаш, фан ва техника ютуқларини жорий этиш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш, танг жойларни ҳамда ёндош тармоқлар ва корхоналарни ривожлантиришда мавжуд номутоаносбликларни бартараф этиш борасидаги ишлар давом эттирилсин.

Барча тармоқларнинг бир маромда ишлаши, махсулот етказиб бериш планларига қатъий риоя қилиш, умуман ҳар бир корхона ва ҳўжаликнинг 1984 йилги ва умуман беш йиллик топириқлари ҳамда мажбуриятларини бажариши таъминлансин. Меҳнат коллективларининг ижодий ташаббуси ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, меҳнат унвондорлигини пиландан ташқари 1 процент оширишга ва махсулот таннаҳини, қўшимча равишда 0,5 процент камайтиришга эришилсин. Ана шу оммавий ҳаракат қат-

нашчиларини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш юзасидан қўшимча чоралар қўйилсин.

Капитал маблағларнинг самарадорлиги оширилсин, чала қурилиш ҳўжми янада зўр ғайрат билан камайтирилсин, маблағ ва ресурслар ишга туширилади, қурилишларга жамлансин, ишлаб чиқариш, социал ва маданий-маиший объектларни, айниқса уй-жойлар, мактаблар, болалар боғчалари, соғлиқни сақлаш объектларининг иш сифати ва бир маромда ишга туширилиши устидан партия контроллиги кучайтирилсин.

3. Область, шаҳар, район партия комитетлари, совет ва қишлоқ ҳўжалик органлари деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулдорлигини кўнгил билан оширсинлар, агроинженерия комплексини жадал сўр'атлар билан ривожлантирсинлар.

Озиқ-овқат Программасини амалга оширишга республиканинг қўшаётган ҳиссасини бутун чоралар билан кўпайтирсинлар.

Қўламли дала ишларига тайёргарлик тезлаштирилсин ва бу ишлар қўлай муҳитда ўтказилсин, ерларнинг шўрини ювиш, машина-механизмларнинг ремонт қилиш, сугориш ва зовур тармоқларини реконструкция қилиш, уруғлик тайёрлаш сўр'атлари оширилсин ва сифати яхшилансин. Чорва кишлоқини муваффақиятли тугатлаш, ем-хашакдан оқилона фойдаланиш, чорвачилик маҳсу-

лотлари тайёрлаш планларининг бажарилиши таъминлансин.

4. Экономикани бошқариш системасини қайта қуриш юзасидан бошланган ишлар давомида ҳўжалик юртишнинг янги форма ва методлари кўнгил билан қидирилсин, министрлик ва идоралар, корхоналар, қурилишлар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ангилансин сезиш, мустақиллик, ижодий ташаббус руҳида тарбиялансин. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг экономиканинг принципиал масалаларига оид қарорларини амалга ошириш ҳар бир партия ташкилотининг, ҳар бир ходимнинг қўндалик ишида асосий мазмун бўлиши лозим. Ишлаб чиқаришда чуқур сифат ўзгаришларга эга бўлиш, ҳалқ ҳўжалигининг барча тармоқларини интенсивлаш ишида ҳал қилувчи бурилишга эришиш учун зарур шарт-шароитлар яратилсин.

5. Область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари одамларда социалистик онглигини шакллантириш, уларнинг гоёвий-ахлоқий ўсиши тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилсинлар. Идеологик, оммавий-сийёсий ишлар ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг ҳозирги босқичи характерига тўла даражада мос бўлиб тушуши, республика меҳнаткашлари олдига турган иқтисодий ва социал вазифаларни амалий жиҳатдан ҳал этишга ҳўмақлашуви керак. Шу мақсадда оммага гоё-

вий таъсир ўтказишнинг барча воситалари ва методларидан фойдаланилсин.

6. Партия комитетлари ва ташкилотлари иш услуби ва методини такомиллаштирсинлар, коммунистларнинг авангардлик ролини, сайлаб қўйилган партия активининг ташаббуси ва масъулиятини оширсинлар. Партия комитетининг ҳар бир аъзоси коммунистларнинг юксак ишончини шараф билан оқлашга эришилсин. КПСС аъзоларининг ҳалқ депутатлари Советларидаги, касабасоюзлари, комсомолдаги, жамоат ташкилотларидаги фаолиятига эътибор кўчайтирилсин. Омма билан алоқа мустаҳкамлансин, уларнинг гражданик активлиги оширилсин, ишлаб чиқариш ва ижтимоий масалаларни ҳал этишда ишчилар синфининг, меҳнат коллективлари аъзоларининг фикри тўлароқ ҳисобга олинсин.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари ўз сафарини жонажон партия теварагида янада маҳкамроқ жипслаштирадilar, ҳўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида, Ватанинг иқтисодий ва муҳофаза қудратини мустаҳкамлаш йўлида бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қиладилар, деб КПСС ленинчи Марказий Комитетини, унинг Сийёсий бюросини ишонтиради.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

ЭЛ ЭЪТИРОФИ

МАРТ
4
ЯКШАНБА
СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР

«КПСС XXVI съезди» уйсузлик комбинатининг кранчиси Татьяна Михайловна Макарова; Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Наманган сайлов округида — Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Назир Ражабович Ражабов; Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Ленинград сайлов округида — Фаргона область Навоий номи совхоз бригадир Кароматхон Бойбўлаев; Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Навоий сайлов округида — Навоий область партия комитетининг биринчи секретари Василий Павлович Есин; Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Каттақўрғон сайлов округида — Самарқанд область Каттақўрғон районидagi Тельман номи совхоз бригадир Хаким Қобилов ўз сайловчилари билан учрашдилар.

Ўтган шанба кунини «Электромашини» ишлаб чиқариш бирлашмасининг маданият ва техника саройида Чирчиқ сайлов округи сайловчиларининг СССР Олий Совети депутатлигига номзод, СССР таъши ишлар министри Владимир Терехов билан учрашув бўлди.

Беруний сайлов округининг сайловчилари Миллатлар Совети депутатлигига номзод — Элиқалъа районидан «Ўзбекистон Коммунистик партияси 50 йиллиги» совхоз-техникуми механизатори Дилором Султонова Хусанова билан учрашдилар.

Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Нукус сайлов округида — Нукусдаги

нинг содиқ фарзанди Г. М. Корниенконинг ҳай йўли ҳақида сўзлаб берди.

Учрашувда Ўзбекистон республикасидаги таълимчиларнинг шўрини ювиш, машина-механизмларнинг ремонт қилиш, сугориш ва зовур тармоқларини реконструкция қилиш, уруғлик тайёрлаш сўр'атлари оширилсин ва сифати яхшилансин. Чорва кишлоқини муваффақиятли тугатлаш, ем-хашакдан оқилона фойдаланиш, чорвачилик маҳсу-



● ҲОВУЧИ
Шамсиева номини
тўқимачилик комбинатининг
3-филиалида хурмат билан

Маъмура
Тошкент
чунимли ва сифатли меҳ-
нат билан бошқаларга на-

тилга оладилар. Ўз касбига
меҳр қўйган бу моҳир иш-
да топириқни 140 процент-
га етказиб адо этипти.

В. Сироткин фотоси.

БИР БЕШИЛЛИКДА УНИЛЛИК

ТАШАББУС ИЗДОШЛАРИ

«Алмадиқсинецстрой» трестига дудратчи бригада бошлиғи Ф. Шайдуллин номини ҳамма хурмат билан тилга олади. Кўп йиллар давомида қурилишларда ишда, бой таъриба орттирган бу дондор бинокер коллектив ўртасида бошланган қўлгина ватанпарварлик ҳаракатларининг ташаббускорларидан ҳисобланади.

Республикамизда бир беш йилликда ўн йиллик ишлаб чиқариш топириқини бажариш юзасидан бошланган ташаббусга ҳам Ф. Шайдуллин бошчилигидаги бригада биринчи бўлиб қўшилди. Пешкадам коллектив аъзолари ўз имкониятларини ҳисоблаб қиқиб, ҳар йили икки йиллик планни бажаришга аҳд қилдилар. Сўнг билан иши бирлар ўз ваъдаларининг устидан му-

ваффақиятли чиқишпти. Ишлаб чиқаришни пухта ташкил этиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш вақтиндан самарали фойдаланиш муваффақиятлар гарови бўлганди. Айниқса, бригада дудратчи қўлларини коллектив меҳнати натижасини баракали бўлишига олиб келмоқда. Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун шiori остида иш-

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

РАЙОН ГАЗЕТАЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЕРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни ҳўжалик ва маданий қурилиш муваффақиятлари бажаришга сафарбар этишдаги хизматлари учун ҳамда чиқа бошлаган кунининг 50 йиллиги муносабати билан қўндалар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ерлиги билан мукофотлансин.

Марҳумат район «Оқ олтин» газетаси; Оржоникидзе район «Коммунизм тоғи» газетаси; Хатирчи район «Янги ҳаёт» газетаси.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

О. САЛИМОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ХАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри,
1984 йил 17 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил саломатлиги, ишбилмандлиги, матбуотни ривожлантиришдаги хизматлари учун ҳамда район газеталари чиқа бошлаган кунининг 50 йиллиги муносабати билан Андижон область Марҳумат район «Оқ олтин» газетасининг масъул секретари Фуломжон Абдураҳмонов; Тошкент область Оржоникидзе район бошқарушнинг лимитчи Ектерина Александровна Чепрасова; Тошкент область

Оржоникидзе район «Коммунизм тоғи» газетасининг редактори Тўлқин Махкамов; Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвони берди.

Район газеталари редакцияларининг ходимлари, штатсиз мухбирлари, босмахоналарининг ишчиларидан бир гуруҳи Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ерликлари билан мукофотландилар.

Ташаббускор бригада коллективлари ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилини яхши бошладилар. Дастлабки қўндалардан тез ва соз ишламоқдалар.

М. МАҲМУДОВ.

ЧОРВАЧИЛИК-ЗАРБДОР ФРОНТ

ҚИШ

ТАШВИШЛАРИ

ПАРКЕНТ РАЙОНИДАГИ «КОММУНА»
СОВХОЗИНИНГ ИЛГОР ЧЎПОНИ АБДУЗУХУР
АЛИМАТОВ ОТАРИДАН РЕПОРТАЖ

— ШУНДАИ бекарор об-
хавода чўпонлар қишлаган
отарларга чиқишга жазм қил-
ганимиз қизиқ-ку, — деди
партиком секретари ишон-
қирамай. Ҳозир у томон-
ларнинг йўли хатарли.

Чўпонлардан қунаро,
уч кунда бир хабар олиб ту-
рибмиз, деспиз-ку, демек
хавотирга ўрин йўқ, — дедим
мен бўш келмай.

Қарорим шундай эканлигини
англаган секретарь эҳтиёт
бўлишимизни тайинлаб, биз-
га оқ йўл тилади. Қўйчилик
фермасининг мудир Тилла-
бой ака Эркабоев ГАЗ-53
юк машинасининг шоферига
мавоб бериб юбориб, ўзи
рулга ўтирди.

Паркент марказининг тегиш
йўллари ортада қолиб, то-
ғонин бошлангичдан дарах
берувчи тепаликларга етиб
борганимизда ҳақиқатан ҳам
ҳозир бу йўллардан юриш
хатарли эканлигига ишонч
ҳосил қилдик. Яхшиямки,
машинанинг орқа йилдирак-
ларига закиртилган «кўй-
дирилган» экан. Акс ҳолда,
қийинликларни енгалмасига ая-
ланиб ўтаётган пайтда паст-
та сирганиб кетиш ҳеч гап
эмас.

Мени йўл ташвишидан
чалитиш учун бўлса керак,
Тиллабой ака гапга тушиб
кетди:

— Райкомда бизнинг сов-
хозни тавсия қилишгани бе-
жиз эмас, албатта. Қўйчилик
яхши ривожланган. Даромад
ҳам чакки эмас. Масалан,
ҳар йили 100 минг сўмликка
яхшироқ жўнотлар, бошқа
ҳўжаликларга зотдор кўчор-
лар етказиб бериб, бўлор-
ла 50—60 минг сўм атрофида
даромад қиламиз.

Эрта қўзилатиш усулини
қўллаётганимиз яхши самара
берпти. Ўтган мавсумда
мавжуд 2060 бош совлиқдан
пландаги 1900 ўғинга 2275
қўзи олдик. Бунга ҳар юз
бош совлиқ ҳисобидан олсак,
110 тадан ҳам ошди. Бош
чўпонимиз Абдузўхур Али-
матов юз бош совлиқдан 150
тадан қўзи олиб, районда ре-
корд ўрнатди. Унинг бу меҳ-
нати «Волга» ГАЗ-24 енгил
автомашинаси билан тақдир-
ланди. Мукофотга 21 та қў-
зи олд.

Навбатдаги тепаликдан
қилиб ўтишимиз билан қир
ёғирдаги қўй қўралари, чў-
понларнинг уйлари кўзга яқ-
қол ташланди.

— Абдузўхур аканинг ота-
ри шу ерда қишлагани, —
изох берди мудир.

Бош чўпон ўғиллари Аб-
дуваҳоб ва Руҳиддинлар би-
ла, бизни илқ қарши олиш-
ди. Қўйларни сугориб, охи-
рларга майданга қуруқ пи-
чан, бўғоз совлиқларга е-
м тарқатиш пайтида етиб кел-
ган эканмиз. Уларни ишдан
қолдирганимиз келмай, бирга-
лашиб қўйларни кўздан ке-
чирдик.

Қизик, бўғоз совлиқлар ва
ялғи тутилган қўйлар сақ-
ланадиган иссиқ қўтонлар
ҳам, очик қўралар ҳам сой-
даги қадфкек ер қолиб, қи-
ликка қурилган. Бунда қан-
дай сир бор?

— Эрта қўзилатиш даври
қиш ва эрта кўланининг
ёғин-сочини қунарга тўғри
келади, — дея тушунтирди
бош чўпон. — Қиш ерин та-
лашдан мақсад шуки, қор ва
ёғин сувлари тўпланмай,
пастга оқиб кетадилар. Ер қуруқ
туради. Бўғоз совлиқлар,
қўзилар захда қолмайди, ка-
салга чалинмайди.

— Ҳа, Абдузўхур аканинг
қўйчиликда орттирган тажри-
баси бошқаларга ҳам натта
мактаб, — дейди мудир за-
вқ билан. — Ҳатто, зоотехник ва
ветеринария врачларига ҳам
маслаҳат бера оладилар. Бу
кишининг отарида эрта қў-
зилатишнинг ўзига хос усули
қўлланилади.

Ҳақиқатан ҳам А. Алима-
тов бу самарали усулни рай-
онда биринчилардан бўлиб
қўллаган чўпонлардан экан.
Унга баъзи ўзгаришлар ҳам
кириштирибди. Мана, бир мисол:
эрта қўзилатиш январи-
нинг охири ва февралнинг бош-
ларига тўғри келади. Аммо
бу пайтда қишнинг захри

ЭРТА ҚЎЗИЛАТИШ —
МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР

ҳам кучли бўлади. Янги ту-
тилган қўзиларни ташиқари-
га чиқариб бўлмайди. Улар
иссиқ хоналарда узоқ сақла-
нади. Шунинг учун эмиш
пайтида совлиқлар юнгини
кўпроқ ямлаб қўяди ва но-
буд бўлади.

Агар эрта қўзилатиш 20—
25 февраллардан бошланса,
қунарга анча олиб қолгани-
ги учун қўзилар она совлиқ-
ларга эргашиб, очик ҳавода
кўпроқ юради, чиниқди, тез
ўсади. Баланг тоғлардаги
йилловларга йўл олинганда
пайтларга мустақил ўтла-
диган бўлади.

Қўраларни айланиб бўл-
ган, Абдузўхур ака бизни
ичкарига тақдир қилди:
— Чўпон ҳузурига келган
меҳмон, унинг ўтовида бир
пиёла чой ичмасдан кетмай-
ди, бу улар ҳеч қачон бу-
зилмаган.

Биз ўтов эмас, шинамгина
қурилган уйга кирдик. Хона
иссиқгина. Печна устига қў-
йилган чойгум шарақлаб қай-
наб турибди. Тахтадан яса-
ган баланд кенг сўрига ги-
ламлар тўшалган. Хонтахта
устига ёзилган дастурхонда
турли ноз-неъматлар. Хона
тўғрида экрани катта телеви-
зор.

Ташиқарида узилиб қолган
суҳбатимиз бир пиёла чой
устида янада қизиди.

— Сизларнинг баҳонангиз-
да ўтмиш воқеаларини қайта
ёдга олиш ўзимизга ҳам хуш
ёқди, — дейди чўпон очиб.
— Амакининг ортидан
эргашиб илк бор йилловларга
чиққангина ёшгина бола
эдим. Ўшандаёқ юрагимга
муштаҳкам ўрнатилган қолган
эканми, — бўлак касба ик-
тиёр бўлмади. Амакин тут-
қазган чўпон тағри бир умр

қўлимда қолаган бўлди.
Орадан ўтган 40 йил ичи-
да бу тоғларда мен қўрма-
ган йиллов, олмаган довои
қолмади, десам ишонверинг.
Қасбимдан, ҳаётимдан мам-
нуман. Машаққатсиз меҳнат
бўлмайди. Аммо чўпон меҳ-
натининг таъти ҳам бўлакча.
Бунга йилловма-йиллов сурув
сурган билди.

Баъзи тенгқурларим, ҳам-
касбларим «Агар совхозда
иккита бой бўлса, бири —
Абдузўхур, битта бўлса, шу-
нинг ўзи», деб ҳазил қили-
шди. Тўғри, серфарзанд,
сердавлатман. Саккиз ўғлим,
уч қизим бор. Қўйчиликни
ёнимга кириб, топармон-ту-
тармон бўлиб қолдишди.
Ўғилларим Абдуваҳоб ва Ру-
ҳиддин билан ўчоқлашиб ҳар
ойда 300 сўмдан маош ола-
миз. Бундан ташиқари, совхо-
зимиз отаримизда олинган
ҳар бир қўзига 2,5 сўмдан,
тоширилган жуннинг кило-
граммига 50 тииндан ҳақ
тўлайди. Пландан ошириб
олинган қўзилар учун яна
қўшимча ҳақ берилади. Хул-
лас, даромадимиз ҳам меҳ-
натимизга яраша. Мана эн-
ди оддий чўпон бўлсак ҳам
«Волга» миннига қўрбимиз
етяпти. Партия-ҳукуматимиз
биз чўпонларни ардоқлайпти.
Биз ҳам касбимизни ардоқ-
лашимиз керак.

Умрини жамоат бойлигига
бойлик қўйишга бахш этган
чўпоннинг содда, аммо сер-
маъно фикр-мулоҳазаларини
тинглаб эканмиз, унинг асл
фидойилардан эканлигини
қоракдан ҳис қилдик. У қўй
туғғини қўнайтириш бўйича
беш йиллик планини тўрт
йилда бажаришга жазм қил-
ган экан. Биринчи йили янги
1981 йилда ҳар юз бош сов-
лиқдан 146 тадан, кейинги
икки йилда 150 тадан қўзи
олибди. Демак, бу йил ва ке-
ласи йил олинганда насллар
беш йиллик планга қўшимча
бўлади.

Ваъдасини айтган мудда-
тидан ҳам илгари бажариб
қўйган бўлсада, Абдузўхур
ака шу кеча-кундузда ҳам
тиним билмайди. Чун-
ки, улар учун ҳозир энг
масъулиятли давр. Қўзилар
тиним олмавий тус оляпти. Ке-
часи ҳар икки-уч соатда бир
марта туриб, қўраларни ай-
ланиб чиқиш керак бўлади.
Акс ҳолда тузда тугилаётган
қўзиларнинг айримлари но-
буд бўлиши мумкин.

...Эрталабдан бери змала-
ниб ёғатган қор кечки иш-
тин тура бошлаган пайтда
тезалашди. Тиллабой ака йўл
ташвишини ўйлаб, қайтиш
ҳаракатига тушиб қолди. Аб-
дузўхур ака ҳам тезроқ йўл-
га тушганимиз маъқул экан-
лигини таъкидлаб, ўрнидан
турди.

Чўпон оиласи билан хай-
лашиб, йўлга чиққанмишдан
сўнг Паркент шаҳрига кириб
келганимизча суҳбатимиз
мавзуси ўзгармади. Абдузў-
хур ака Алиматов сингари
фидойи чўпонларнинг қизи-
қарли ҳаёти, ташвиш ва қу-
воңларига бой юмушлари
ҳақидаги ҳикоянинг ниҳояси
йўқдек туюлди.

А. ЙЎЛДОШЕВ.

СЕРҲОСИЛ
ПОМИДОР

Ўзбекистон сабзавот по-
лиси экинлари ва картошка
илмий-тадқиқот институти-
нинг олимлари помидорнинг
районлаштирилган янги
«Ўзбекистон» нави уруғли-
гининг дастлабки туркумини
ишлаб чиқаришга топширдилар.
Бу нави ўзининг серҳосил-
лиги билан акрилла-
туради. Андижон нави синиш
участчасида ҳар гектар ер-
дан 880 центнер шундай по-
мидор йиғиштириб олинди.
Бу эса одатдаги помидор
қослигига нисбатан 168 цент-
нер кўйди. Янги нави ба-
ланд ўсади ва ҳосили ҳам
байнда йиғиштириб олиш
учун қулайдир. Меваси йи-
рик, витаминга бойдир.

Селекциячилар помидор-
нинг яна бир навини —
«Тошкент теплицабон» нави-
ни ҳам етиштирдилар. Бу
нави экинган теплица май-
донининг ҳар квадрат мет-
ридан 16 килограммдан зиёд
помидор олинади. Бу эса
бошқа навларга нисбатан 5
килограмм кўйди.

(ЎЗТАГ мухбири).

ИШ ФАСЛИ

БРИГАДАМИЗ аъзолари
ўтган ҳўжалик йилини му-
ваффақиятли якунладилар.
Она-Ватанга 63 гектар май-
доннинг ҳар гектаридан 35
центнердан «оқ олтин» ар-
мугон этиб, йиллик планини
ортиги билан бажардик.

Бу ютуқ осонлик билан
қўлга киритилмади, албатта.
Биз гектарларнинг тўла бў-
лишини, ҳар гектар ерда ўр-
тача 110 минг тул қўчат
сақлаб қолганини таъмин-
ладик. Ҳар тул қўзани ёш
гудакдек авайлаб, меҳр би-
лан парваришладик.

Натижада ҳосил мўл ва
эртаги бўлди. Пахтакорлари-
миз ҳосилининг асосий қисми-
ни «зангори кема»лар ёрда-
мида териб олдилар, пахта-
нинг 80 процентидан ортиги
биринчи сортларга қабул қи-
линди.

Ўзбекистон ССР ва рес-
публика Компартиясининг
шонли 60 йиллиги нишонла-
надиган қўтулур йилда биз
янада катта маррани қўзла-
пимиз. Бригадамиз аъзолари
билан ўзаро маслаҳатлашиб,
юбилей йилида пахта ҳосил-
дорлигини гектар бошига ка-
мида 40 центнерга етказиш-
га азму-қарор қилдик.

Албатта, қуруқ ваъда би-
лан иш битмайди. Мўл ҳо-
сил ҳалол меҳнат, фидокор-

лик, тadbиркорлик билан
етиштирилиш ҳеч кимга сир
эмас. Шунинг учун ҳам биз
мўл ҳосилга мустаҳкам за-
мин яратаямиз. Далалар ҳо-
силдан тозаланиши билан
минерал ўғитлар сепилиб,
чўкур хайдаб қўйилди. Бун-
да механизаторлар Х. Отаев
ва А. Ҳазировлар катта жои-
бозлик кўрсатдилар.

Биз киш фаслини иш фа-
слига айлантириб ҳар бир
кундан унумдм фойдаланая-
миз. Ерга-ер қўшилмоқда,
ариқ-зовурларни тозалая-
миз.

Айниқса, ерни тўйдириш-
га, кўпроқ маҳаллий ўғит
жамғариш ва далаларга чи-
қаришга алоҳида эътибор бе-
раётимиз. Биз далаларга
маҳаллий ўғит солишни таба-
қалаб, ҳар бир даланинг ту-
проқ шароитини ҳисобга олган
ҳолда ўтказамиз. Унумдор-
лиги паст бўлган далалар-
нинг гектарига 20—25 тон-
надан маҳаллий ўғит сола-
ямиз. Бригадамиз аъзолари
қишки ишларни ушшоқлик
билан ўтказиб, юбилей йили
баҳорини ҳозирлик билан
кутиб оладилар.

АМУРШО САЛМОН ўғли,
Янгиўл районидagi
«Интернационал» колхо-
зининг бригада бошлиғи.

Сут етиштириш 1,5 барабар ортади

Коммунистик районидagi
121-автокорхонада ердамчи
ҳўжаликни ривожланти-
ришга катта эътибор берил-
моқда. Биргина ўтган йили
бу ҳўжаликда планди
тўрт тонна ўғинга беш тон-
на серқаймоқ сут, 6 тоннага
икки гўшт маҳсулотлари
тайёрланди ва корхона иш-
чи-хизматчиларига тарқа-
тилди.

Шоферлар Усмон Юсупов
номли совхоз территорияси-
дан ердамчи ҳўжалик учун
ажратиб берилган беш гек-
тар майдонда бедазор ва
маккажўхоризорлар барпо

этишди. Бу майдон ташлан-
диқ ерлар ҳисобига яна уч
гектарга кенгайтирилди. На-
тижада чорва учун етарли
микдорда дағал ем-хашак,
силос гамлаб қўйилди.

Бу йил корхона коллек-
тиви ҳўжаликдagi чорва со-
нини икки барабар қўпайти-
риш, сут етиштиришни эса
бир ярим барабар ошириш
режаларини тузган. Бу иш-
да молбоқарлар А. Абду-
рахмонов, Р. Абдурахмонов,
М. Бурхоновлар жонбоз-
лик кўрсатмоқдалар.

З. ТОЖИБОВЕВ.

ЖАҲОН АНГЛИКЛАРИ

ТЕЛЕТАЙП
ЛЕНТАСИДАН

△ БЕРЛИН. Дунёдаги
қўлгина мамлакатларнинг
дегиз кемаларида дам бе-
риладиган қўтқариш солла-
ри бор. Бу солларга «ГДР»
деса ясалган» деган тахта
урилган. Шундай сол ҳаво
билан тўлиб сузишга ароқли
бўлмоғи учун бир минут ҳам
кетмайди. Гўят анки ишла-
йган аппарат шунинг таъ-
минлайди. Солнинг пухта
бўлиши ҳалокатга учраган-
лар учун ҳаётини муҳим аҳа-
милга ағдари. Битта кутна-
рувчи солга 25 киши жойла-
ша олади. Давлат сифат бе-
гисини олган ҳар бир шун-
дай сол барокмераларнинг
экстремал шароитларда си-
новдан ўтказилади.

Ҳозирга қадар ГДРда жа-
ми 25 мингта қўтқариш сол-
лари тайёрланди. Бир қан-
ча сол Совет Иттифоқи ва
Кубага юбориш учун тайер-
лаб қўйилди.

△ БАЙРУТ. Ливан ватан-
парварлари исроиллик бос-
қинчиларга сезиларли зар-
балар беришда давом этмоқ-
далар. Олинган хабарларга
қўра, партизанлар Жанубий
Ливандаги Розия ва Ансо-
рий қишлоқлари районида
Исроилнинг ҳарбий қўсилла-
рини гранатометлардан ўққа
туттадилар. Босқинчилар ас-
кар ва техникасидан талофот
берган.

НУФУЗ
МАСАЛАЛАРИГА
БАҒИШЛАНГАН
КОНФЕРЕНЦИЯ

ДЕХЛИ. Нуфуз ва ривож-
ланиш масалалари юзасидан
Осиё мамлакатлари парла-
ментларининг биринчи кон-
ференцияси Ҳиндистон пой-
тахтида очилди. Конферен-
цияда Осиё қитъасидagi 30
га яқин давлатнинг, шунинг-
дек бир қанча халқаро таш-
килотларнинг вакиллари и-
штирок этмоқда. Улар демо-
графия муаммоларини ва
ушунг иқтисодий-иқтисодий
тараққиётга таъсирини муҳо-
кама қиладилар.

БМТ Бош секретари Х.
Перес де Куэльярнинг кон-
ференцияда ўқиб берилган
мақтубида аҳоли ва ривож-
ланиш проблемаси бутун
дунё миқёсидagi проблема
эканлиги ва дарҳол ҳал эти-
лиши талаб қилаётганини
таъкидлади. Бу проблема-
лар айнақса Осиёдаги ривож-
ланаётган мамлакатлар олин-
да кескин проблема бўлиб ту-
рибди. Планта аҳолисининг
яримдан кўпроқ ҳозир шу ма-
млакатларда истиқомат қил-
моқда. (ТАСС).

Ганада чиқадиган «Пилл
ивнинг ньюс» газетаси ҳам
Чадда француз қўшинлари-
нинг бўлиши Африкадаги шу
мамлакатда вазиатни кескин-
лаштираётганини таъкидла-
ди. (ТАСС).

«КИШИЛАРНИНГ
ТУРМУШ ДАРАЖАСИГА
БЕРИЛГАН ҚАТТИҚ
ЗАРБА»

ЛОНДОН. Лейбористлар
партияси бошчилигини ўри-
босари Рой Хэттерсли 1984
—1985 йилдан 1986—1987

ладан Эспино, Куко ва Сан-
Мигель департаментларида
қаттиқ жанглар бўлган.

Мамлакат пойтахтидан 90
километр шимол-шарқи-
да Вилья-Долорес қишло-
ғида (Кабаньес департамен-
ти) мунтазам армия бўли-
малари билан Фарабундо
Марти номидаги миллий
озодлик фронтининг жанчи-
лари ўртасида бўлган жанг-
да 4 соат ўзидирилган ва
12 таси жароҳатлангилар.

△ ТОКИО. Миллатлараро
фармацевтика корпорацияси
— «Сибя гейг» одамлар-
нинг соғлиғи ҳисобига фой-
да орттириб, ўзининг «ял-
лигиланишга қарши дорилар-
ни исстеъмол этган бемор-
ларнинг нобуд бўлганини
тўғрисидаги хабарларни Япо-
ния маъмуриятдан жўртта
яшириб келган. Шу ком-
паниянинг янгинои феолияти-
ни жамоатчилик таъзики о-
стида текшираётган соғлиғини
сақлаш ва социал таъминот
министрлигининг махсус ко-
миссияси шундай хулосага
келди. Компания киши со-
лиғи учун зарарли дорилар-
ни кўп йиллардан бери етак-
чи капиталистик давлатлар-
нинг бозорларида сотиб кел-
ган. Натижада Япония,
АҚШ, Англия ва бошқа дав-
латларда шу дориларни ис-
теъмол этиш натижасида
1200 га яқин киши нобуд
бўлган. Бу дорилар қарийб
20 минг кишида қаттиқ ик-
ки қон кетишини, оқ қонлик
касалини ва бошқа оғир ка-
салликларни келтириб чи-
қарган. (ТАСС).

АМЕРИКА ҚЎШМА
ШТАТЛАРИНИНГ
ТАЗИҚИ

ГААГА. Америка Қўшма
Штатлари Американинг 48
та қанотли ракеталари жой-
лаштирилганга розилик бе-
ришга мажбур этишга ури-
ниб нидерландлар ҳўкумати-
га таъзиқни қўнайитиришда.
Утрехт шаҳридаги давлат
университетиде АҚШнинг
нидерланддаги элчиси П.
Бремернинг нутқида бу ер-
да шундай деб баҳо бермоқ-
далар. Шимолги Атлантика
блоки, деди у, нидерланд-
лардан НАТО қарорларини
«ҳеч сўзсиз» бажаришни
талаб қилади.

Голландия ҳўкумати раке-
тлар тўғрисида шу йил
июль ойидан кечиктирмасдан
ишон-қилиқ қарор чиқармоқ-
чи эканлигини билдирди.
Аммо бу қарорнинг қайси
мазмунда бўлиши айтилган
эмас. Америка элчисининг
ингварглик мақсадидаги нутқи
муносабати билан сиёсий
обзорчилар шу сана йиқил-
лашган сари океан орқаси-
дан мамлакат ҳўкумати-
га тобора қўпол таъзиқ қилина-
ётганини айтиб, қарорлар
министри Р. Лойберс Ва-
шингтондан қайтиб келди.
Маълум мақсадларда олиб
бориладиган музокара-
лар олиб бориш-вужудга
келган ахволдан қўтилиш-
нинг бирдан-бир йўлидир.

(ТАСС).

(ТАСС).

БИЗ УЧУН ИБРАТ

ОБЛАСТИМИЗ ҚИШЛОҚЛАРИ ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР НИГОҲИДА.

Коммунистик қурилишнинг
энг муҳим ваазифаларидан
бири бу шаҳар билан қиш-
лоқ ўртасидagi фарқни йўқо-
тиштириш. Ҳар бир иттифоқ-
дош республика, ҳар бир
район, ҳаттоки қишлоқ бу
масалани ўз талабларидан
келиб чиққан ҳолда ҳал қил-
моқда. Мен Тошкент облас-
тининг Калинин районида
шаҳар билан қишлоқ ўртаси-
да тафовутлар деярли йўқо-
тилганлигининг гувоҳи бўл-
дим.

Сурия Араб республикаси-
дан келган меҳдек журна-
лист учун ана шундай иш-
лар билан яқиндан танишиш
жуда зарур эди. Чунки, Со-
вет Иттифоқи, айниқса, қў-
шилди Ўзбекистон тараққи-
ётган қўлгина мамлакат-
ларга, шу жумладан бизнинг
Ватанимиз — Сурияга кўп
жиҳатдан ўрнатилди.

Калинин райони меҳнат-
кашлари ўзларининг бўш
вақтларини маданият саройи-
да ўтказадилар. Районда
эса 35 та маданий-муассаса
бор экан.

Айниқса клубларда тўга-
рақлар соғи йилдан-йилга
ортмоқда. 1983 йилининг би-
ринчи ярмида улар соғи 200
дан ошди. Бадий ҳавас-
корлик тўғрисидаги дала
ва фермаларда ишлаётганлар
кенг жалб қилинган.

Хусусан, «Ҳосил» ан-
самблининг довури районга-
гина эмас, республикага ҳам

ейилди. Бу ансамбль респу-
блика бадий Ҳаваскорлик
коллективлари конкурсида
қатнашиб, «ҳалқ ансамбли»
номини олишга муваффақ
бўлибди.

«Ҳосил» ансамбли ўз но-
ми билан иштирокчилари-
нинг касби-қори маъносини
билдириб туради. Коллектив
кўп маротаба «Марҳабо, та-
лантлар» телеконкурсида
қатнашган ва дипломлар би-
лан тақдирланган. Еш Ҳавас-
корлар районнинг колхоз ва
совхозлари, узоқ йилловларга
чиқиб концерт бериб туриш
учун 4 та агитбригадга бира-
лаштирилган. Улар анжир
фанк асосида хизмат кўрса-
тиб, меҳнаткашларни хуш-
нуд этмоқдалар. Уларнинг
репертуарларидан элликсик,
замонавий ўзбек халқ куй ва
қўшиқлари ҳамда СССР
халқлари қўшиқ ва рақслари
кенг ўрин олган.

Районнинг «Ленинчи» га-
зетаси яқинда ўзининг ярим
асрилик юбилейини нишонла-
ди. Бу ихчамгина газета ҳаф-
тасига уч марта чиқса ҳам,
район маданий ҳаётини яхши
ёритишга, аҳоли турмуш ма-

